

“ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ”

**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН**

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2017 йил 15 ноябрь



Бухоро - 2017

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

- | | | |
|----------------|---|---|
| А.А. Тўлаганов | - | Бухоро давлат университети ректори, техника
фанлари доктори, профессор, раис. |
| К.А.Самиев | - | Бухоро давлат университети илмий ишлар бўйича
проректор, физика-математика фанлари номзоди,
раис муовини. |
| С.Қ. Қаҳҳоров | - | Бухоро давлат университети профессори,
университет касаба уюшмаси раиси |
| О.М. Қодиров | - | Бухоро давлат университети проректори,
педагогика фанлари номзоди, доцент |
| О.Х. Рахимов | - | Бухоро давлат университети проректори |
| Э.М. Мухторов | - | Педагогика факультети декани в.б., психология
фанлари номзоди, аъзо. |
| Б.Х.Мадримов | - | Мушиқа таълими кафедраси мудири, педагогика
фанлари номзоди, доцент, аъзо. |

КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

- | | | |
|----------------|---|--|
| К.А. Самиев | - | БухДУ илмий ишлар проректори, ф-м.ф.н. раис
муовини |
| М.Х. Маҳмудов | - | БухДУ профессори, п.ф.д., аъзо |
| С.Қ. Қаҳҳоров | - | БухДУ профессори, п.ф.д., аъзо |
| Ш.Р.Баротов | - | БухДУ профессори, пс.ф.д., аъзо |
| Э.М. Мухторов | - | БухДУ доценти, пс.ф.н., аъзо |
| Б.Х.Мадримов | - | БухДУ доценти, п.ф.н., аъзо |
| Б.И. Мустафаев | - | БухДУ доценти, п.ф.н., аъзо |
| С.Б. Саидий | - | БухДУ доценти, с.ф.н., аъзо |
| С.Д. Дўстов | - | БухДУ доценти, п.ф.н., аъзо |
| Ш.У.Норова | - | БухДУ катта ўқитувчиси, аъзо |
| М.М. Бафаев | - | БухДУ ўқитувчиси, аъзо |

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги Қонуни", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳамда "Халқ билан мулоқот йили"га бағишлаб **2017 йил 15 ноябрь куни** Бухоро давлат университети Мушиқа таълими кафедрасида **"Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият ва санъатнинг ўрни"** мавзусида ўтказилган илмий-назарий конференция материаллари асосида тузилди.

Конференция материалларидан Олий ва ўрта махсус таълим муас-
сасаларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчи,

мустақил тадқиқотчилар, магистрант, бакалавр талабалар ва соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тўпламга киритилган мақолалар мазмуни, илмий салоҳияти ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдир.

Конференция материаллари Бухоро давлат университети Илмий-техник кенгашининг 2017 йил 30 октябрдаги навбатдан ташқари № 6 сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Б.Х. Мадримов - Мусиқа таълими кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

М.Х. Махмудов - Бухоро давлат университети бошланғич таълим асослари кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор

О.М. Қодиров - Бухоро давлат университети маънавий-маърифий ишлар проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент

“Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият ва санъатнинг ўрни” мавзусида илмий-назарий анжуман материаллари

DEVELOPED GENERATION IS A GUARANTEE OF NATIONAL PROGRESS.....	173
P. SHUKUROV, M. MUHAMMADOVA. ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ОШИРИШДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	173
D. TURDIYEVA. SHASHMAQOM VA MAKON. (5-7 SINF O'QUVCHILARIDA AN'ANAVIY MUSIQA ME'ROSINI O'RGATISH INTERFAOL USULLARI).....	175
S. G'AFFOROVA, S.SAIDIY. KUYLAH ORQALI INSON HAYOTINI UZAYTIRISH-NING BA'ZI USHLBLARI.....	176
M. JO'RAYEVA, S.SAIDIY. MUSIQIY SAN'ATNING TEATR SPEKTAKLLARIDA TUTGAN O'RNII.....	178
M. JALOLOVA, S. SAIDIY. MUSIQIY PEDAGOGIKA YO'NALISHLARI KONSEP-SIYASI.....	180
M. HAKIMOVA, C. SAIDIY. MUSIQA MADANIYATI DARSLARIDA UQUVCHI-LAR FAOLLIGINI OSHIRISH.....	182
C. G'AFFOROVA, C. SAIDIY. BASTAKORLIK SAN'ATI TARIXI VA PEDAGO-GIK TEXNOLOGIYALAR.....	184
M. HAKIMOVA, S.SAIDIY. ESTRADA MUSIQASI VA UNING PEDAGOGIK AHAMI-YATI.....	186
I. AXTAMOV. MAKTEBDA MAQOM NAMUNALARINI URGANISHGA IYNAL-TIRILGAN PEDAGOGIK FAOLIYAT MAZMUNI.....	187
I. QAYUMOV, D. SHODIYEVA. USTOZ- SHOGIRD TIZIMINING MUSIQA TA'LIMI-DAGI HUSUSIYATLARI.....	189
SH. AMRILLOYEVA, S.SAIDIY. MUSIQA PSIXOLOGIIYASI YO'NALISHLARI VA TARMOQLARI.....	191
G. ASKAROVA, C.SAIDIY. SOFLOM BOLA TARBIIYASIDA XALQ MUSIQASI-NING U'RNII.....	194
A. UMEDOYA, S.SAIDIY. MUSIQA TO'GARAKLARIGA O'QUVCHILARNING QIZI-QISHLARINI OSHIRIB BORISH OMILLARI.....	196
M. HAMIDOYA, S. SAIDIY. UMUMIY MUSIQIY TA'LIMNING TEXNOLOGIYALARI VA USHLBLARI.....	198
D. HASANOVA, S.SAIDIY. BOSHLANG'ICH SINF MUSIQIY TA'LIMDA PSIXOLO-GIK RIVOJLANISHNING PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI.....	201
I. QAYUMOV, M. JURAeva. TA'LIM DARGOHLARIDA TA'LIM JARA'ENI-NI RIVOJLANTIRISHNING UZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	203
I. QAYUMOV, M.OBILOVA, N.OBILOVA. TA'LIM SIFAT SAMARADORLIGI-NI OSHIRISH MASALASIGA YNGIHA ENDAISHI.....	205
K. HOJIEVA, Z. MAHMUDOVA. AXBOROT-PSIXOLOGIK TAHDIDNING ESHLAR ONGIGA TA'SIRI.....	206
C. HAYITOVA, Z. FAIZIEVA. ESHLARNI MA'NAVIIY-AHLOQIIY SHAKLLANTI-RIHDA XALQ KUHIKLLARINING AHAMIYATI.....	208
D. UMARQULOVA, N.AMRULLOEVI ESHLARNI AHLOQAN VA JISMONAN BAR-KAMOL ETIB TARBIIYALASH - DAVR TALAHI.....	210
D. UMARQULOVA. TA'LIMGA ETIBOR — KEIAJAKKA ETIBOR.....	212
L. ELIBAEVA, S. SHUKUROVA. MULOQOTNI TASHKIL ETISHDA UMUMINSONIIY QADRIYATLAR USTUVORLIGI.....	213
G. RAHMATULLOEVA. MUSIQA — QALB MA'NAVIIYATINING KUZGUSI.....	214
L. ABDULLAYEVA. HORIIY TILLARNI O'QITISHDA ZAMONAVIIY AXBOROT TEX-NOLOGIYASI VOSITALARDAN FOYDALANISH.....	216
N. ABEZOVA. TA'LIMDA SIFAT SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING.....	217

Normative development of culture means inheritance for future generations. But this process is simple and unequivocal. Spiritual aspects of content, their reconsideration and reassessment, their relationships, the types of relationships, the preservation and transmission of knowledge, the standard of respect, and the aesthetic perception of vocalism remain uninterrupted, and they remain uninterrupted. The heritage is universal and cousin. The inherited mechanism of each new generation differs from the experience of the peoples in various fields of culture: other natural sciences, except the scale of art, differs from humanitarian sciences. Boring (inheritance) can be manifested in the actual transformation of human beings in the bloody sphere, and can also be expressed in the form of local or global processes. Local (limited) form of success has professional, national, ethnic and other cultures. This activity is characterized by uneven crises in cultural stages, which is not found in the form of a normal, non-uniform direction, and jumps from one stage to another. In inheritance of the spiritual achievement of humanity, the succession is accompanied by a broad spectrum of processes. For example, Ancient Egyptian intelligence "Bible", "1001 fairy tales"! It has a positive impact on the cultural monuments. All of the letters on the earth are subject to modern branches of knowledge, such as Babylonian astronomy, mathematics of the India, ancient philosophy, and the Law. If culture and spirituality are a part of the language, traditions and others, it will be better to inherit the cultural heritage of certain people. In other areas, the property inherited from people in such fields as technology, science, and art is the property of other peoples.

There is a mechanism and culture in the culture to inherit the next generations. Some of them are from the forefront, such as demonstration, oral transmission, folklore, art, and others, such as movie posters, ohmore scripts, and computer memory. In all societies, the changing circumstances of the opportunity to use the spiritual heritage are not the same. They are determined by socio-economic, political, and ideological factors. These factors are related to the size, selection and intensity of the heritage.

Reference

1. Islom Karimov. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. —Toshkent, 1999.

Р. Шукуров, М. Муҳаммадова
Бухоро давлат университети

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ОШИРИШДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНING TUTGAN ЎРНИ

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустақкам замин яратмоқда.

Тарихимизга кириб келаётган буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш



йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда.

Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодийетимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.

Ўзбек миллий кураши уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлиб, шуғулланувчи, кураш тушувчи полвонларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида, кураш азалдан муҳим ўрин тутган. Курашни миллий қадрият ва спорт тури сифатида ўрганиш уни тарбиявий аҳамиятини очиб боришда А. Атоев, Ж. Турсунов, О. Тоймуродов, Ж. Тошпулатов, У. Иброҳимов, Х. Рафиев, К. Юсупов, А. Рўзиев, Н. Азизовларнинг тадқиқот ишлари ўз аксини топган. Албатта, спорт тури орқали ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканлигига шубҳа йўқ. Чунки миллий спорт турларимизда қадрият, ватанга муҳаббат, ўзаро муносабатда маънавий-ахлоқий ва тарбиявий масалалар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилиш баробарида мамлакатнинг мустаҳкам пойдеворинини яратишда, уни жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини янада мустаҳкамлашда ўзбек миллий кураш спорт тури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларни тўғри йўлга солиш ва уларни ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб етишишида миллий курашни ўргатишни оиладан бошлаш муҳим аҳамиятга эга. Кураш аجدодларимиздан бизгача етиб келган бўлиб чуқур маъно мужассам жисмоний, маънавий ва ахлоқий тарбиянинг битмас туганмас, миллий қадриятларни ўзида акс эттирган тарихан асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олийжаноблик ва ҳалоллик тимсоли сифатида эъзозланиб келинган. Курашчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти мутахассислари, кенг жамоатчилик олдида замонавий илмий-амалий услублар ва янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳал этадиган бир қатор янги-янги масаларни қўймоқда.

Дарҳақиқат ўқув – машғулотлар жараёнида энг юқори натижаларга эришиш учун, биринчи ўринда жисмоний сифатлар, техник, тактик тайёргарлик бўлса, энг олий ўринда эса маънавий – ахлоқий тарбия туради.

“Маънавият”, деб таъкидлаганди Биринчи Президентимиз И.А. Каримов ўз асарларида, тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, халқсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки саломатлик, ҳушмуомаладангина эмас. Ахлоқ – бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон ҳалоллик дегани”. Ўзбек миллий курашида одоб-ахлоқ ва маънавий етуклик каби фазилатлар қадрланади. Комил инсон тарбияси миллий қадриятлар ёрдамида амалга оширилади, қадриятлар борки, булар инсон ақлини, заковатини чархлайди, инсон қалбини жамият талабларига мувофиқлаштиради. Алоҳида қадриятлар борки, улар инсон танасини, жисмини чиниқтиради, бақувватлаштиради. Ўзбек миллий кураши шу қадриятларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштирган ва айнан шу маънода муҳим миллий қадрият сифатида эътиборга молик. Миллий кураш билан шуғулланиш жараёнида спортчи қалбига мардлик киради, улар қадимдагидек тизза букмай яшашга ўрганадилар, йиқилганларга ёрдам қўлини чўздиладар. Кураш фаровон ҳаётга таянч бўла олади, ўзбек халқи азалдан тинчлик, адолат ва барқарорликка хизмат қилувчи полвонларни қадрлайди.

Кураш усулларида тарбиявий аҳамият берилиши бежиз эмас албатта. Ўсиб келаётган ёш навқирон авлод онги ва қалбида миллий истиқлол ғоясини сингдириш,

усул, восита ва омиллар қаторида миллий кураш ўзига хос хусусиятга эга. Кураш нафақат жисмонан чиниққанликни тақозо этади, балки ёшлар маънавиятига, ҳар томонлама баркамол, комил бўлиб вояга етишишида хизмат қилади. Бизнинг халқимиз курашни инсонни жисмоний, маънавий – ғоявий тарбиялаш воситаси деб қадимдан билган. Чунки полвонликни ўзига хос маънавий-ахлоқий талабларини қадрлаганлар. Миллий кураш қоидалари инсонпарварлиги, ҳалоллик ва адолат мезонлари асосида тавсифланади:

- майдонда чиқишда ва беллашувнинг тугаганидан сўнг натижанинг қандай ва кимнинг фойдасида бўлишидан қатъий назар қўли кўксида таъзим қилади;
- беллашув бошлангани заҳоти бир – бирини қўл бериб кўришади;
- курашчилар соғлиги учун хавфли бўлган усулларнинг таъқиқланиши;
- белнинг пастки қисмидан ушлаш мумкин эмаслигида;

рақибни ердан кўтармасдан туриб унга оёқ ҳаракатларини қўлламасликда; Беллашув вақтида белбоғни қўйиб юбормаслик каби фазилатлар курашчиларда масъулият туйғусини тарбиялашга қодир. Курашдаги ушбу одоб-ахлоқ принциплари ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда асосий омиллардан бўлиб хизмат қилади.

D. Turdiyeva

Navoiy viloyati Qiziltepa tuman

1-umumiy o'rta ta'lim maktabi

SHASHMAQOM VA MAKON

(5-7 sinf o'quvchilarida an'anaviy musiqa me'rosini o'rgatish interfaol usullari)

Shashmaqom Sharq xalqlari san'atining durdonalaridan hisoblanib tavsiflanishiga ko'ra uzoq tarixiga ega. “Maqom” so'zi arabcha bo'lib musiqa tovushlarining “o'mashgan joyi” ya'ni musiqa asboblari parda degan ma'noni anglatadi, ayni paytda maqom ma'lum tovushqator va lad kurilmasi, ma'nolarini hamda shu lad qurilmalariga asoslangan musiqa asari tushunchasini ham beradi. Shashmaqom esa ma'lum tartibdagi olti maqomdir. Maqomlar to'g'risidagi tarixiy va nazariy masalalari IX-XIX asrlar davomida sharq yozma manbalarida ayniqsa, musiqaga bag'ishlangan risolalarida o'z ifodasini topadi.

Maqomlarning o'tmishda ijro etilib kelingan namunalari bizgacha etib kelmagan. Qadimiy yozma manbalardan ma'lum bo'lishicha ular turli shakllarda bo'lgan va “O'n ikki maqom O'rta Osiyo xalqlarida taxminan XI-XII asr boshlarida Buxoroda yuzaga kelgan Shashmaqom XVII asrgacha hali tugal shakllangan bo'lsa, uni shakllanish jarayoni XII-asrga tegishli va ancha ilgari boshlangani tabiidir.

Shashmaqom – Buzruk, Rost, Navo, Dugox, Segox, Irok maqomlaridan iborat. Har bir maqom ikki bo'limdan iborat. Cholg'u va ashula bo'limlaridan iborat, bo'lib, ular so'ngi davrlarda “Mushkulot” va “Nasr” iboralari atalgan. Xorazmda esa “Mansur” yoki “Chertim yo'li” bilan va “Manzum” yoki “Aytim yo'li” deb ham ataladi. Har bir maqomning cholg'u bo'limida Tasnif, Tarje, Muhammas, Saqil va boshqa iboralar bilan nomlangan bir necha qismlar bo'lib, ular qaysi maqom tarkibida bo'lsalar, shu maqom nomi bilan qo'shilib “Tasnifi Buzruk”, “Tarjei Buzruk”, “Garduni Segox”, “Muhammasi Irok”, “Saqili Navo” kabi ataladi. Bu qismlar maqomning har birida mustaqil kuy mavzularga ega bo'lsada, tuzilishi jihatidan deyarli farq etmaydi. Ayrim maqomlarning esa o'zlariga maqomlarning boshqa qismlari bilan otdosh bo'lmagan cholg'u yo'llari ham mavjud. Bunday qismlar-Navo maqomidagi Nag'mai Oras, Dugoh maqomidagi Peshravi Dugoh va Samoi Dugoh hamda Segoh maqomidagi hafifi Segohdir.